O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 1 июль, № 128 (4538) Сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

27–28 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди, унда парламент юқори палатасининг аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга маъқуллаш учун юборилган бир турқум қонунларни, шунингдек, кун тартибига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар. Булар орасида мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан тайёрланган, коррупцияга қарши кураш юзасидан қатор қўшимча чора-тадбирларни, шу жумладан, бу соҳада халқаро ҳамкорлик таъмин этилишини назарда тутувчи «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор. Муҳокама асносида таъкидланганидек, мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатга қўшилиш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлига қатъий тарафдор эканлигидан ёрқин далолат бўлиб, самарали тарзда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ялпи мажлисда «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди ва маъқулланди. Сенаторлар мамлакатимизнинг мазкур халқаро ҳужжатга қўшилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларнинг қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя этиш юзасидан юртимизда тизимли асосда изчил иш олиб борилаётганлигидан далолат беради, дея қайд этдилар. Бу муҳим халқаро ҳужжатга қўшилиш миллий қонун ҳужжатларини, ҳуқуқни қўлланиш амалиётини янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Кун тартибидаги масалаларнинг муҳокамаси мобайнида сенаторлар томонидан таъкидлаб ўтилдики, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилганлиги ва қабул қилинганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишга йўналтирилган қонунчилик фаолиятининг натижаларидан бири

(Давоми 2-бетда).

ФИДОЙИ МЕҲНАТ ВА САРМОЯ

«Ўзкимёсаноат» корхоналарининг иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлмоқда

«Самарқандкимё» очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхоналар сирасига киради. Корхонада фосфорит ўғитларни ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш борасида муайян ишлар қилинмоқда.

Жараён

Айниқса, 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилгани корхонанинг юқори қувват билан ишлашини таъминламоқда. Натижада ўтган йили корхонада юз минг тонна нитрокальций фосфат (нитрофос) ўғити ишлаб чиқаришга эришилди.

Айни кунда унинг цехларида иш қизғин. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида бу ерда 15 минг тоннадан зиёд нитрофос тайёрланиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларига етказиб берилди. Эътиборлиси, корхонада ишлаб чиқарилаётган кимёвий ўғит Қозоғистон, Қирғизистон, Украина каби давлатларга ҳам экспорт қилинаётир.

СУРАТДА: корхона ишчиларидан бир гуруҳи.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Шерали Раимович **Рахманов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Бокижон Бакоевич **Яхёев** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари-ҳарбий ҳайъат раиси этиб сайлансин.

3. Хаёт Бахриддинович **Холмирзаев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.

4. Шаюнус Аюбджанович **Газиев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

5. Халилилло Собиржонович **Турахужаев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Аминджан Джаббарович **Ишметов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Дилмурад Ахмадуллаевич **Мирзакаримов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси этиб сайлансин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Нурмат Рустамович **Ахманов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Шоазим Шоисламович **Миноваров** Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Шовкат Кабульджанович **Джамалов** Ўзбекистон Республикасининг Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 июнь

ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади

Ўтган ҳафта охирида Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Икки кун давомида юқори палата аъзолари томонидан еттита қонун кўриб чиқилди, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳамда Ҳисоб палатасининг фаолияти юзасидан ҳисоботлари, шунингдек, адлия вазирининг давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларида қонунларни ижро этиш ҳақидаги ахбороти тингланди.

Мажлисда Президентимиз тақдимига биноан, мамлакатимиз Олий ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритилди, Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикаси ва Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчилари тайинланди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган қонунлар давлатимиз раҳбари томонидан имзоланганидан сўнг матбуотда эълон қилинади ва кучга киради. Айтиш жоизки, бу ҳужжатлар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини янада кенгайтиради.

— Ҳар бир қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши жамиятимизнинг у ёки бу соҳасидаги кенг миқёсли ишларни амалга ошириш учун янги ҳуқуқий имкониятларни яратади, — дейди юқори палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси Нодира Каримова. — Ва бундай имкониятлар парламентимиз юқори палатаси ялпи мажлисидан сўнг тобора кўпаймоқда. Албатта, бу табиий ҳол. Чунки биз қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этаяпмиз. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, изчил фаолиятимизга айланди.

Жойларда бўлиб, сайловчилар, меҳнат жамоалари, аҳоли билан учрашиб, биз — сенаторлар шунга амин бўлаяпмиз-

ки, ватандошларимиз ўз муаммоларини фақат қонуний йўл билан ҳал этишга эътибор қаратмоқдалар. Бунга одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтирмасдан эришиб бўлмаслиги ҳам турган гап. Чунки янги қонунлар тарғиботи бўйича учрашувларимизда ҳамюртларимиз шундай саволларни беришмоқдаки, уларда ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашга бўлган интилиш сезилади.

— Буларнинг барчаси ўн етти йил муқаддам Юртбошимиз раҳнамолигида танланган мустақил тараққиёт йўлимизнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганига ишора, — дея суҳбатимизга қўшилди Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Илҳом Отабоев. — Зеро, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва уларнинг ижроси бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳам бундан далолат бериб турибди. Дарҳақиқат, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш касбий фаолият олиб боришда ҳам, фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя этишда ҳам катта ёрдам беради.

Чунончи, биргина охирги ялпи мажлисда маъқулланган қонунлар ва уларни қўллаш механизмлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик асосини такомиллаштиради, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига ҳисса қўшади. Мисол учун, унда биз иккита халқаро ҳужжатни кўриб чиқдик. Улардан бири "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Қонундир. Бевосита Юртбошимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириши, менимча, коррупцияга қарши ҳам миллий, ҳам халқаро даражада курашишда янги имкониятларни яратади. Зотан, мазкур иллат қайси давлатда бўлмасин, ўша ерда иқтисодий барқарорликка, фаровонликка раҳна солади.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизга ташриф буюрган Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий йиғини (парламенти) раисининг ўринбосари Уонг Тьу Лиу раҳбарлигидаги делегация 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова билан учрашди.

ВЬЕТНАМ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда, — деди Уонг Тьу Лиу. — Мен бундан бир неча йиллар муқаддам Тошкентда таҳсил олганман. Пойтахтингизнинг таниб бўлмас даражада ўзгаргани, чиройигачирой қўшилганининг гувоҳи бўлдим. Истиқлол йилларида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари таҳсинга лойиқ. Бу эса Ўзбекистоннинг ҳар жабҳада изчил тараққий этаётганидан далолатдир. Юртингиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Мушоҳада

(Давоми 2-бетда).

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланди. Айниқса, Юртбошимизнинг соҳа заҳматкашларига йўллаган самимий табриги айёмга алоҳида шукуҳ ва файз, кўтаринкилик бахш этди. Зеро, Президентимиз табригида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятига юксак баҳо берилди.

ҲАМ МАСЛАКДОШ, ҲАМ СУҲБАТДОШ...

Журналистлик — ижтимоий ҳаётда оғир, шу билан бирга, шарафли касб эканлиги, халқимизнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиб яшаш, шиддат ила ўзгариб бораётган бугунги замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслакдош ва суҳбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқлар сари чорлашга даъват этилганлиги таъкидланди.

Мана, ўн етти йилдирки, мустақил юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг янги тарих ва янги тараққиёт олдидаги ана шундай масъулиятли бурчларини теран ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Аслида матбуот, оммавий ахборот воситалари ва нашриёт ходимлари, соҳа ривожига ҳисса қўшаётган техник ходимлар меҳнати давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келган. Бу йилги матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами кунида, Президентимиз Фармойишига мувофиқ, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ёш журналист кадрларни тайёрлаш ишига хизмати синган, ўзининг истеъдоди ва самарали меҳнати, касбига фидойилиги билан эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган бир гуруҳ матбуот фахрийларига мукофотлар топширилди. Бу эса ўзининг эзгу мазмун-моҳияти билан бутун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари қалбида мамнуният ҳиссини уйғотди, ижодкорларга янада қанот бағишлади, десак янглишмаган бўламиз.

Бундан роппа-роса 102 йил аввал, яъни 1906 йилнинг 27 июнида ўзбек тилидаги "Тараққий" номли илк газетанинг нишона сони нашрдан чиққан эди. Шу боис, миллий уйғониш, миллий тараққиёт ғоялари билан майдонга чиққан ушбу нашр туғилган сана юртимизда чинакам миллий матбуот юзага келган кун сифатида нишонланадиган бўлди. Истиқлол давридаги бугунги журналистика эса матбуотимизнинг тамал тошини қўйган улуғ маърифатпарвар бобокалонларнинг маънавий ворисидир. Бугун қаламкашлар аждодларнинг орзу-умидларни рўёбга чиққан янги тарихий шароитда яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Эътироф

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар хорижий оммавий ахборот воситалари диққат-марказида турибди.

Мамлакатимизга бағишланган мақолаларнинг аксариятида Ўзбекистон мустақиллик йиллари давомида тараққиётнинг миллий моделини босқичма-босқич амалга ошириб, жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли аъзосига айлангани, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда салмоқли ютуқларга эришгани таъкидланади.

Таиландниг нуфузли нашрларидан бири "Бангкок Тудэй" газетасининг икки сонида жорий йил май ойида юртимизда бўлиб қайтган бир гуруҳ тайландлик журналистларнинг туркум мақолалари эълон қилинган. Журналистлар Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти хусусида тўхталиб, мазкур замин асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг турли минтақаларини ўзаро боғловчи бўғин вазифасини ўтаб келганини таъкидлайдилар.

"Карвон йўлларининг муҳим чорраҳасида жойлашган Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари эса кўплаб тарихий ёдгорликларни ўз бағрига олган бўлиб, улардаги ёш меъморлар ўз ота-боболарининг ишини ҳозирги кунга қадар ҳам муносиб тарзда давом эттириб келмоқда", — деб ёзади журналистлар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлди. Ногиронлар ҳуқуқларини таъминлашнинг қўшимча кафолатларини ўзида мужассам этган, шунингдек, уларга бериш мўлжалланган қўшимча имтиёзларни қонунчилик йўли билан янада мустаҳкамлайдиган мазкур Қонуннинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ва муҳимлиги ҳам айтилди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан бир қаторда ногирон болалар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамламоқда.

Мажлисда мамлакатимизнинг қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришга, ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган, шунингдек, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти стандартларининг талабларини миллий қонун ҳужжатларига сингдиришни назарда тутувчи қонунлар, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жиноий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ 2006 йилдан бошлаб ҳар йили бу масала Сенат муҳокамасига киритилмоқда.

Адлия вазири ўз маърузасида таъкидлаб айтдики, давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳам марказда, ҳам жойларда қонунларнинг самарали ижро этилиши, давлат органлари, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятида қонунийлик таъминланиши юзасидан анчагина ишлар олиб борилмоқда.

Айни вақтда 2007 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан ўтказилган мониторинг қонун ҳужжатлари ижросини назорат этиш борасида вазирлик ва идораларнинг фаолиятидаги, шу жумладан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, божхона ва солиқ йўли билан тартибга солиш соҳасидаги жиддий камчиликлар, фойдаланилмаган резервларни аниқлаб берди.

Бир қанча қонунларнинг, шу жумладан, энергетика, уй-жой-коммунал хўжалиги сингари тармоқлардаги қонун ҳужжатларининг ҳавола этувчи нормалари тегишли қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги сабабли тўлатўкис рўёбга чиқарилмай қолди.

Ўтказилган мониторинг мобайнида айрим идоравий норматив ҳужжатлар уларни мажбурий йўсинда экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказишнинг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибини бузган тарзда қабул қилинганлиги ҳоллари аниқландики, улар ҳуқуқни қўлланиш амалиёти самарадорлигига номатлуб таъсир этди. Бир қанча маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ва ҳисобга олиш, қонун ҳужжатлари талабларини ижрочиларнинг эътиборига вақтида етказиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган, бу эса минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этишга салбий таъсир қилди.

Адлия вазирининг маърузасида, сенаторларнинг нутқларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат олиб боришга масъулиятсизлик, совуққонлик билан муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги, қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўлланиш соҳасида мониторинг қилиш ишларини изчил асосда йўлга қўйишда муайян тегишли органлар ҳамда тузилмаларнинг жавобгарлигини ошириш зарурлиги тўғрисидаги сўзлари келтириб ўтилди.

Шу муносабат билан қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан Адлия вазирлиги бошқа тегишли органлар билан биргаликда қонунга риоя этишга беҳурматлик, нописандлик ва менсимаслик билан қараганлик учун ҳуқуқий жавобгарликни кучайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқмоқда. Негаки, қонунга ҳурмат, итоаткорлик, уни сўзсиз ижро этиш таъминланган шароитдагина иқтисодиёт, гуманитар, ижтимоий соҳаларда мўлжалланган кўламдор дастурлар ҳамда демократик ислоҳотларни рўёбга чиқариш ҳақида гапириш мумкин.

Сенат ваколатига тааллуқли масалаларни муҳокама этиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йил юзасидан ҳисоботини кўриб чиқишга алоҳида эътибор берилди. Ҳисобот даврида мамлакатимиз молиявий назоратининг юқори органи томонидан ўн иккита устувор йўналиш бўйича, хусусан, умумий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджети ажратмалари сарфи-ётини ўрганиш, давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг шаҳар ташкил этувчи саноат корхоналари томонидан валюта маблағларидан тежамкорлик билан фойдаланилиши устидан назорат олиб бориш сингари йўналишлар бўйича назорат тадбирлари амалга оширилди. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш резервлари, бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланилишига доир ишларни яхшилаш йўллари ҳам аниқланди.

Мазкур масала юзасидан сенаторлар Ҳисоб палатаси тадбирларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга, молиявий қоидабузарликларни камайтириш ҳамда барҳам топтиришга оид таклифлар билдирдилар.

Парламент юқори палатаси аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, 2007 йилда юритилган қатъий пул-кредит сиёсати, шунингдек, банк тизимини янада ислоҳ этиш ва эркинлаштириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар инфляцияни жиловлаб туришга ҳамда молия бозорини жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб туришга ёрдам берди. Банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари билан белгилаб берилган устувор вазифаларини амалга ошириш жараёнида салмоқли натижаларга эришилди.

Сенаторлар ҳисоботни тинглаб, Марказий банк ва унинг таркибий бўлинмаларининг банк тизимини ислоҳ этиш ҳамда эркинлаштиришга, инфляцияни тизгинлашга ва мамлакат молия бозорини ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги масалалар ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда ҳаммаси бўлиб ўн бешта масала, шу жумладан, еттита қонун кўриб чиқилди. Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлиси амалий ва конструктив руҳда ўтди. Мажлис иштирокчилари кўриб чиқилган масалаларнинг моҳиятини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиги остида мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ислоҳотларини амалга оширишдаги, шу жумладан, «Ёшлар йили» Давлат дастурини рўёбга чиқаришдаги аҳамиятини таъкидладилар. Янги қонунларни тарғиб этиш ва тушунтириш ишларини янада кучайтириш, ҳуқуқни қўлланиш амалиёти механизмини такомиллаштириш зарур, деган фикр ҳам билдирилди. Таъкидландики, бундай ёндашув мамлакатимизнинг демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил илгарилаб боришига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада тўлиқроқ таъмин этилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бугун ана шундай долзарб масалалардан яна бири одам савдосидир, — дейди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Барно Абдуллаева. — Дарҳақиқат, одам савдосига даҳлдор масалалар муттасил ўрганилмоқда, халқаро меъёрлар такомиллаштирилмоқда. Тан олиш керакки, бундай жиноят давлат ва жамият ривожига жиддий хавф солиб келмоқда. Шу боис, мамлакатимиз парламенти томонидан "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси-ни (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маъқулланган муҳим аҳамият касб этади.

Нуфузли анжуманда сенаторлар янги "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига алоҳида эътибор қаратишди. Негаки, мамлакатда молиявий тизим изчиллик билан ривожланмоқда. Бу эса, иқтисодиётнинг турли соҳаларида йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга, корхоналарнинг моддий техник базасини қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини барпо этишга хизмат қилмоқда.

— Охирги йилларда мамлакатимиз молия тизимизнинг муҳим йўналишларидан бўлган қимматли қоғозлар бозори юқори тезликда тараққий этаётир, — дея фикр билдирди Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари қўмитаси аъзоси Аҳмад Ҳакимов. — Буни кўпгина йирик корхоналарнинг акцияларини муомалага чиқариши ва уларни инвесторлар ўртасида жойлаштириши орқали узоқ муддатли кредитларни жалб этаётганида кўриш мумкин. Шу билан бирга, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши бошқа молиявий хизматлар бозорининг тараққий этишига туртки беради. Илгари мазкур соҳа иқтисодий ислоҳотларнинг турли босқичида қабул қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, "Қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржаси тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг механизмлари тўғрисида"ги қонунлар билан тартибга солинган. Айтиш жоизки, улар давр ва шароит тақозоси билан яратилган эди. Янги Қонун эса ушбу ҳужжатларнинг меъёрларини ўзида мужассам этади. У давлат органлари, фонд бозори иштирокчилари, инвесторларнинг амалдаги қонунчилик меъёрларини қўллаш жараёнида тўқнаш келаётган турли номутаносибликлар, ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилди. Ўйлайманки, ягона Қонун мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорининг халқаро молия бозорига интеграциялашуви учун зарур бўлган шароитларни яратади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботга муфассал тўхталиш лозим.

— Ҳисоб палатасининг асосий вазифаларидан бири бюджетдан ташқари мақсадли фондларни шакллантириш ва уларнинг сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатишдир, — дейди юқори палатанинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси Светлана Герасимова. — Ҳисоб палатаси раиси таъкидлаганидек, текширишлар жараёнида асосий эътибор фақатгина фондларнинг ижроия дирекцияси фаолиятига эмас, балки фонд маблағларидан қанчалик мақсадли фойдаланилганига қаратилди. Текширишлар давомида аниқланган қатор камчилик ва хатолар бартараф этилди.

Ялпи мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йилдаги қонунлар ижроси юзасидан ахборотини ҳам тинглашди. Таъкидланди-ки, Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижро этилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

— Бугун мамлакатимизда фуқаролик жамияти ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда, — дейди юқори палатанинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Андрей Кустов. — Бунда жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаатлари қонунлар ижросининг кўзгуси бўлиб хизмат қилади. Фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан мониторинг олиб борувчи адлия органлари фаолияти бу йўналишда алоҳида ўрин тутади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир қонун амалиётда ўзини оқлаган демократик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлашувини таъминлайди. Зеро, уларнинг энг устувор мақсади "Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун" деган тамойилга асосланади.

Сайёра АЗИМОВА, Пўлат ДОНИЁРОВ, Қобил ХИДИРОВ.

ВЬЕТНАМ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу куни Вьетнам делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б. Мирбобоев билан ҳам учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани, соҳада кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, замон талаблари асосида янада такомиллаштирилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилнинг август ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлари эълон қилиниши ва улар асосида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланган, ушбу ҳужжатлар суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 май куни қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонига биноан амалга оширилаётган ишлар ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг узвий давоми экани таъкидланди.

Уонг Тьу Лиу мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга, суд-ҳуқуқ тизимига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга юксак баҳо берди.

Вьетнам делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам музокара ўтказди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Музокарада Ўзбекистон ва Вьетнам олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Осойишталигимизнинг навқирон посбонлари

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар бугун ўз самараларини бермоқда.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги, фуқаролар осойишталигини таъминлаш тизими қарор топди. Соҳа юксак малакали, профессионал кадрлар билан таъминланмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлигининг академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртларида ана шундай кадрлар тайёрланмоқда.

Айни кунларда мазкур даргоҳларда ўқишни тамомлаётган ёшлар халқимиз осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчини адо этишга йўл олаётир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академиясида навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди — кундузги таълим ва Олий академик курсни тугатган тингловчиларга диплом топширилди. Унда Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда тингловчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ўзбекистан Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов, академия бошлиғи вазифасини бажарувчи А. Якубов, ота-оналар вакили Д.Мирзажонова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

1992 йилда ташкил этилган мазкур Академияда Президентимизнинг 2004 йил 19 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ички ишлар идоралари учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Бу йил кундузги таълимни 440 нафар тингловчи тамомлади. Улар тўрт йил давомида Давлат таълим стандартлари асосида таълим олди. Битирувчилар тегишли мутахассислиги бўйича жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун зарур билимга эга бўлди.

— Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, — дейди битирувчи Шерзод Мамажонов. — Бу шарафли бурчни касб сифатида танлаган биз, ёшларнинг зиммасига эса янада улкан масъулият юкланади. Мен буни доимо қалбан ҳис этиб, элу юртимга садоқат билан хизмат қиламан.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

ҲАМ МАСЛАКДОШ, ҲАМ СУҲБАТДОШ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртдошларимизнинг якдил мақсади — Ўзбекистонни буюк келажакли ҳуқуқий демократик давлатга айлантириш, мамлакатда адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор иқтисодиёти муносабатларининг юксак даражаларига эришиш, юртимиз ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий камолот чўққиларига кўтарилишдан иборатдир. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар шу улуғ мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу эзгу мақсадлар бугун журналистлар учун бой илҳом ва ижод манбаидир. Биз учун энг улуғ бурч ва вазифа — Президентимиз ғояларига, халқ орзу-интилишларига камарбасталикдир. Халқимиз ўз ривожланиши йўлида эришаётган ғалабалар — ижодий фаолиятимизга жўшқин мазмун ва қанот бағишламоқда. Айни пайтда, шу улуғ тараққиёт йўлида учраётган муаммоларни ҳал этиш, масалаларнинг ечимини топишда давлатимизга, халқимизга яқиндан кўмаклашиш, бу йўлда шижоатли ва қатъиятли бўлиш, юксак профессионал маҳоратга ва малакага интилиш, фаол ҳаётий позицияга эга бўлмоқлик, даврнинг пешқадам шахсига айланиш — бугунги журналист зиммасидаги долзарб вазифалардандир.

Шу маънода, Президентимизнинг байрам табриги, айни пайтда, ҳозирги матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор жиддий масалаларни ўзида ифода этган муҳим дастурий ҳужжат ҳамдир. Чиндан ҳам, Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз — журналистлар мустабид тузумдан қолиб келаётган айрим эскича ёндашув ва қарашлардан, журъатсизлик ва ўткир муаммоларни четлаб ўтиш ҳолатларидан ҳамон буткул халос бўла олмаяпмиз. Ёки жамиятдан бир қадам олдинда юришга интилиш ўрнига, айрим журналистларимизда, аксинча, ўртамиёна, ҳатто бачкана таъб ва дунёқарашли ижтимоий тоифаларга мослашиб қалам тебратиш тамойилларини кўзга ташланмоқда. Ҳамон боқимандалик иллатидан қутула олмай келаётган нашрлар, журналистлар ҳам учраб турганлиги бор гап. Ваҳоланки, бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро андозаларга муносиб равишда фаолият кўрсатишини таъминлаш, ҳаёт тарзимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг мавқеи, обрў-эътиборини мустаҳкамлаш йўлида соҳадаги ҳар бир ходимдан жўшқин фидойилик, ижодий дадиллик, тинимсиз изланиш ва интилиш талаб этилади.

Шу билан бирга, матбаа корхоналарини энг замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, Интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имкониятларни кучайтириш, ижодкорга моддий ва маънавий мадад бериш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллигини фаоллаштириш йўлида бошланган саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш лозим.

Мамнуният ила айтиш жоизки, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами маънавий ҳаётимизнинг муносиб воқеликларидан бири бўлди. Айёмнинг гултожига айланган Юртбошимиз табриги соҳа заҳматкашларига кўтаринки руҳ ва куч-ғайрат бағишлади. Зотан, биз бу кун ўз меҳнатимизнинг жамиятда нечоғли салмоқли ўрин тутишини янада теранроқ ҳис этдик. Чунки Ватан равнақига камарбаста бўлиш, бунёдкор халқимизнинг эзгу орзу-интилишларига маслакдошлик ижод аҳлининг чинакам бахтидир.

Михли САФАРОВ.

ИНСОН – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жойларда соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбатлари ва илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Фармон ва ижро

Бу йил халқаро ҳуқуқ тизимининг сиёсий, ҳуқуқий асоси ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги кенг нишонланади. Давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган фармонида қайд қилинганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви инсон ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилишида муҳим омил бўлмоқда.

Гулистон шаҳрида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ички ишлар вазирлиги ва Конрад Аденауэр жамғармаси (Германия) ҳамкорлигида «Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш» мавзуида ташкил этилган илмий-амалий семинарда шу ҳусусда сўз юритилди.

Тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашидова, Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Раҳимов ва бошқалар юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан мамлакатимиз эришган ютуқ ва тажрибаларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган мазкур семинар очиқ мулоқот тарзида ўтди, — дейди Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи Маъруф Жўраев. — Иштирокчилар Омбудсман институтининг ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари билан ҳамкорлигининг илғор тажрибалари, жазони ижро этиш муассасаларида тиббий назоратни ўрнатиш каби масалалар бўйича зарур маълумотга эга бўлдилар.

Д. ЭСОНОВА, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таиланддаги яна бир нашр — "Каосохт" ("Сўнгги янгиликлар") ўз саҳифаларида "Ўзбекистон ва Буюк Ипак йўли" сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унда Ўзбекистонга ташриф буюриш ниятида бўлган тайландлик сайёҳларга мамлакатимиздаги сайёҳлик йўналишлари, нарх-наво ҳамда бошқа муҳим маълумотлар тақдим этилган.

Польшада нашр этиладиган "Восточные дела" журнали "Цивилизациялар чорраҳасида" сарлавҳаси остида юртимизга бағишланган мақолани эълон қилди. Унда муаллифлар ўқувчиларни нафақат Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихий ва маданий мероси, балки келгуси йили 2200 йиллик юбилейини нишонлайдиган Тошкент шаҳри билан ҳам таништиради.

Мақолада ёзилишича, "Ўзбекистон тўғрисида гапирганда, нафақат унинг диққатга сазовор жойлари, балки бой маданият ва қадимий анъаналарга кўрсатилаётган эҳтиёткорона муносабат, хилма-хил ва мазали миллий таомларни ҳам айтиб ўтиш ўринли бўлади".

Хорижий матбуот нашрларида, шунингдек, мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Покистоннинг "Balochistan Today" журналидаги мақолаларда 2008 йил Ўзбекистонда "Ёшлар йили" деб эълон қилингани айтиб этилган.

Муаллифлар "аҳолисининг 65 фоизини болалар ва 30 ёшгача бўлган ёш авлод вакиллари ташкил этадиган мамлакатда моҳиятан олганда, ҳар йилни ёшлар йили, деб аташ мумкин", дея таъкидлайди.

— "Ёшлар йили"да ёш авлод манфаатларини таъминлашга қаратилган кўплаб масалалар ўз ечимини топмоқда, — дейилади мақолада. — Масалан, таълим доирасидаги миллий давлат дастурларининг ижроси ўзининг янги босқичига кўтарилади. Бунда кадрлар тайёрлаш ҳамда мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган миллий дастурлар назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув муассасаларида таълим жараёнларининг сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилган".

Покистоннинг бир қатор оммавий ахборот воситалари Ўзбекистондаги "Бобур" халқаро жамғармаси ишига катта эътибор қаратиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятга доир мақолаларни эълон қилади.

Украинада "Дўстлик кўприклари. Ўзбекистон-Украина" халқаро ноширлик концепцияси доирасида махсус рангли нашр чоп этилди. Унда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг тарихи ва ҳозирги аҳволига бағишланган қатор мақолалар эълон қилинган.

Мамлакатларимиз бир-биридан анча узоқда жойлашган бўлишига қарамай, Украина Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шериклари ўнлигидан жой олган бўлиб, МДҲ мамлакатлари орасида товар айирбошлаш ҳажми бўйича учинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон учун Украина нафақат ўзбек маҳсулотларининг истеъмолчиси, балки мамлакатимиз товарларининг Европа, Осиё ва Африка мамлакатларига транзит қилувчи давлат ҳамдир. Бу ўринда Қора денгизидаги Иличевск ва Одесса портлари ёки кўп йиллардан буён Ўзбекистоннинг экспорт юклари ўтказиб келинаётган Ғарбий Украина темир йўл чегара шохобчаларини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Журналда мамлакатларимизнинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятидан ҳали тўлалигича фойдаланилмаётгани қайд этилади. Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий мероси, юртимизга нисбатан ўсиб бораётган қизиқиш ва турли мамлакатлар сайёҳлик ташкилотлари билан ҳамкорлик борасида орттирилган ижобий тажриба сайёҳлар сонини оширишга қаратилган ишларни фаоллаштириш ҳамда замонавий сайёҳлик инфратузилмасини шакллантириш учун қулай шароит яратмоқда.

Хорижий оммавий ахборот воситаларидаги мақолалар халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўрганишга бўлган катта қизиқишдан далолат беради.

«Жаҳон» АА.

1 июль — Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилган кун

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Фахр-ифтихоримиз, озод юртимизнинг рамзларидан бири бўлган миллий валютамиз — сўмнинг муомалага киритилгани мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги ғоят муҳим қадам бўлди. Сўм ҳаётимиздан ўрин эгаллаган кундан бошлаб ўтган 14 йиллик муддат мустақил пул тизимини яратиш ҳақидаги қарор стратегик жиҳатдан тўғри танланганлигини ва мустақиллигимизнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашга йўналтирилганлигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 1994 йил 1 июлдан сўм муомалага киритилди — мамлакатимиз мустақил валюта сиёсатини юритиш имконига эга бўлди.

Сўмнинг муомалага киритилиши иқтисодий мустақиллик йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди. Мамлакатимиз ўз миллий валютасининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигига кимлардандир қарз олиш эвазига эмас, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, мавжуд заҳиралардан оқилона фойдаланиш билан эришди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллий валютани мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган қатор дастурлар изчил амалга оширилди. Бу дастурлар сўмнинг харид нархини ошириш учун бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, пул-кредит сиёсатининг изчиллигини, ички бозордаги истеъмол моллари билан нақд пул мутаносиблигини таъминлашга қаратилди.

Фаол инвестиция сиёсатини юритиш, таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ва валюта ресурсларидан бутун иқтисодиёт тараққиёти учун пойдевор бўлиб хизмат қилувчи ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ҳажмини оширувчи юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш салоҳиятини шакллантириш йўлида фойдаланилиши қисқа муддатларда машинасозлик, газ ва нефтни қайта ишлаш соҳаларида, кимё саноатида янги, йирик ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш имконини берди. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш борасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Кўрилган бундай чора-тадбирлар натижасида юртимиз ғалла ва нефть мустақиллигига эришди. Илгарилари мамлакатимизда етиштирилган пахта ҳосилини сотишдан тушган маблағнинг ярмидан кўпига дон ва нефть маҳсулотлари сотиб олинган бўлса (сўм муомалага киритилишидан олдин Ўзбекистон четдан йилига 680 миллион АҚШ долларигача нефть маҳсулотлари, 430 миллион долларгача ғалла сотиб олар эди), ҳозир бундай маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Натижада ҳар йили бир неча миллиардлаб валюта ресурслари тежалмоқда. Мамлакатнинг экспорт салоҳияти ошгани сайин сўмнинг қадри ҳам мустаҳкамланмоқда.

2003 йилнинг 15 октябридан Ўзбекистонда Халқаро валюта жамғармаси Низомининг VIII моддаси талаблари кучга кирди. Мана, қарийб беш йилдирки, сўмнинг жорий халқаро операциялар бўйича эркин алмашинуви амалда. Миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича алмаштирилиши мамлакатимизда эришилган макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш борасида янги имкониятларни яратди. Ўтган вақт сўмимизнинг барқарор валюталардан бирига айланиб бораётганини тасдиқлади.

Сўм давлатимизнинг Байроқ, Герб, Мадҳия каби рамзлари қатори миллий ифтихоримиз тимсолларидандир. Сўм биз учун нафақат тўлов воситаси, балки халқимизнинг бой тарихи, қадриятлари, буюк бунёдкорлик салоҳиятини ўзида акс эттирган маънавий восита сифатида ҳам қадрлидир. Самарқанддаги Регистон майдони, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Гўри Амир мақбараси, Бухородаги Чашмаи Айюб ансамбли каби тарихий обидалар, пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиқлол» санъат саройи, шунингдек, шавкатли соҳибқирон бобомиз Амир Темурга ўрнатилган муаззам ҳайкал тасвири туширилган купюралар нафақат мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати, балки халқимиз маънавий салоҳиятининг янада юксалишига ҳам хизмат қилмоқда. Кўлига ўзбек сўмини олган ҳар бир юртдошимизнинг қалбида унда акс этган тасвирлар таъсирида Ватани, бунёдкор халқи, аждодлар мероси билан фахр-ифтихор туйғулари жўш уриши, шубҳасиз.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Марказий аппаратининг аукцион савдосига, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 21 октябрдаги қарорига асосан, банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторларнинг 2008 йил 23 июндаги йиғилиши қарорига асосан, «BIOORGANIK» ҚК МЧЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан, Тошкент шаҳар, Сергели туманида жойлашган, «Клайн» фирмасининг минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ускунаси ва «BIOORGANIK» ҚК МЧЖнинг бошқа мулклари 10 фоизга арзонлаштирилган баҳода такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 5 795 993 700 сўм.

Аукцион савдолари 2008 йил 10 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлаши шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев к., 1-«А» уй. Тел.: 228-79-52.

II. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига, Қизилтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Навоий вилояти хўжалик судининг 2006 йил 7 декабрдаги, 2007 йил 26 февралдаги, 2007 йил 5 ноябрдаги 5645/595/4315-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Қизилтепа Парранда» ХЖга қарашли, Ўзбекистон кўчасида жойлашган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. «Маъмурий бино» 2 қаватли, майдони 489,48 кв.м. *Бошланғич баҳоси — 114 603 287 сўм.*
2. «Ошхона биноси» 1 қаватли, майдони 824,90 кв.м. *Бошланғич баҳоси — 111 698 184 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 8 август куни соат 10.00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Навоий вилоят филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Навоий бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452458, МФО 00205, ИНН 200933850.

Манзил: Навоий вилояти, Навоий ш., П.Очилов к., 24-уй.
Тел.: (8436) 224-15-61, 224-64-31.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

WWW.RKMB.UZ

ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР, ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СИЗЛАРНИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ КУТМОҚДА

Тошкент ирригация ва мелиорация институти (ТИМИ) мамлакатимиз агросаноат мажмуаси учун бугунги кун талаблари асосида фикрлай оладиган, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам сиёсий-маънавий муаммоларни ақлий заковати билан мустақил таҳлил қилиб, ечимини топа оладиган, профессионал ва маънавий жиҳатдан етук малакали кадрларни етиштиришни ўзининг асосий устувор вазифаси этиб белгилаган.

Бугунги кунда институтда 5 та факультет, 28 та кафедрада 22 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 21 та мутахассислик бўйича магистрлар, 9 та ихтисослик бўйича аспирантлар ва 4 та ихтисослик бўйича докторантлар тайёрланмоқда.

Ҳозирга қадар институтимиз қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун 54 мингдан зиёд мутахассис тайёрлаб берди. Жумладан, 38 та хорижий давлатнинг 3000 нафар талабаси институтимизни муваффақиятли тамомлаб, ўзларининг ватанларида фаолият кўрсатишмоқда.

Ҳозирги вақтда институт АҚШ, Германия, Буюк Британия, Голландия, Франция, Испания, Исроил, Жанубий Корея, Туркия, Янги Зеландия, Чехия, Швеция, Россия, Украина, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шу билан бирга, институтимиз TACIS, TEMPUS, INTAS, ZEF, UNESCO каби халқаро дастурлар ва лойиҳалар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳарбий хизматни ўтаганлар учун институтда математика, физика, чет тили, она тили ва адабиёт фанларидан бепул тайёрлов курслари ташкил этилган.

Институт тўғрисидаги батафсил маълумотлар ва қўшимча кундалик янгиликлар билан унинг қуйидаги веб-сайтида: www.tiim.uz танишишингиз мумкин.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти 2008-2009 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов-контракт асосида қуйидаги бакалавриат йўналишларига қабул эълон қилади:

5140900	—	Касб таълими: сув хўжалиги ва мелиорация
5650200	—	Сув хўжалиги ва мелиорация
5650400	—	Қишлоқ ва яйловлар сув таъминоти
5650600	—	Суғориладиган ерларда мелиоратив тизим
5650800	—	Сув ресурслари ва улардан фойдаланиш
5850300	—	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (сув хўжалигида)
5140900	—	Касб таълими: гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш
5580700	—	Гидротехника қурилиши
5650100	—	Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш
5650700	—	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш
5520200	—	Электр энергетикаси (сув хўжалигида)
5521800	—	Автоматлаштириш ва бошқарув (сув хўжалигида)
5650300	—	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш
5650500	—	Сув хўжалигида мелиоратив, транспорт машиналари ва қурилмаларидан фойдаланиш, уларга сервис хизмати кўрсатиш
5860100	—	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги
5140900	—	Касб таълими: ер тузиш ва ер кадастри
5540100	—	Геодезия, картография ва кадастр (сув хўжалигида)
5620700	—	Ер тузиш ва ер кадастри
5441900	—	Сув омборлари гидрологияси
5340100	—	Иқтисодиёт (сув хўжалигида)
5340200	—	Менежмент (соҳалар бўйича)
5340900	—	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит



Институтга кириш истагида бўлган абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3,5x4,5 ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси.

Абитуриент қабул комиссиясига паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади. Ҳужжатлар 2008 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Тест синовлари ўтказиладиган фанлардан консультациялар 2008 йил 20 июндан 27 июлгача ўтказилади. Тест синовлари Давлат тест маркази томонидан 2008 йил 1 август куни ўтказилади.

ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР, АБИТУРИЕНТЛАР!

Сизларнинг таянч билимларингизга ишонамиз ҳамда институтга кириш тест синовларидан муваффақиятли ўтишларингизга тилакдошмиз.

Мурожаат учун манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, Тошкент ирригация ва мелиорация институти (ТИМИ). Мўлжал: метронинг «Ҳ.Олимжон» бекати. E-mail: admin@tiim.uz Веб-сайт: www.tiim.uz Телефон: (99871) 237-09-75.

WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT (WIUT) University of Westminster

2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИГА МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЭЪЛОНИ

Тошкент Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) магистр ўқув дастури бўйича талабаларни ўқишга таклиф этади. Ўқишни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар Вестминстер университетининг (Буюк Британия) магистрлик илмий даражасига сазовор бўладилар.

Магистратурада қуйидаги ихтисослик бўйича инглиз тилида таҳсил олинади:

ХАЛҚАРО БИЗНЕС ВА МЕНЕЖМЕНТ
MASTERS IN INTERNATIONAL BUSINESS AND MANAGEMENT

Ўқиш муддати — 12 ой (кундузги) ёки 24 ой (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда).

Ўқиш бошланиши — 2008 йил 15 сентябрь.

Қабул қилиш шартлари:
- номзод бакалавр дипломи ёки мутахассислик дипломига (5 йиллик олий маълумотга) эга бўлиши лозим;
- инглиз тили –IELTS тизими бўйича 6.5 балл; TOEFL (iBT) тизими бўйича 100 баллга эга бўлиши лозим;
- номзодларнинг ёши 22 дан кам бўлмаслиги керак;
- суҳбатдан муваффақиятли ўтиш лозим.

Ҳужжатларни қабул қилишнинг охирги муддати:
IELTS/TOEFL сертификатига эга бўлмаганлар 12 августдан кечга қолмасдан ўқишга ариза топширишлари керак;
IELTS/TOEFL сертификатига эга бўлган номзодлар 12 сентябрдан кечга қолмасдан ўқишга ариза топширишлари керак.

Қабул ҳайъати иш кунлари: душанбадан жумагача соат 9.00 дан 17.00 гача.
Тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача.

Қўшимча маълумот:
- магистратурада ўқиш тўлов-шартнома асосида олиб борилади;
- вилоятдан келган талабалар университет ётоқхонасида жой билан таъминланадилар.

Батафсил маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 12-уй.

Телефонлар: + (99871) 238-74-74, 238-74-00.
Веб-сайт: http://www.wiut.uz/masters
Эл. почта: advice@wiut.uz

ЖАҲОН 24 соат ичида

Тижорат учун қулай

"Forbes" журналида тижорат учун энг қулай шароитлар яратилган давлатлар рўйхати эълон қилинди.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўтган йили Дания мамлакатида бу борада сезиларли ўсиш қайд этилган ва биринчи ўринга лойиқ топилган. Хусусий мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш борасида ҳам ушбу давлатда мақташга арзигулик ишлар амалга оширилган.

Кучли ўнликдан эса Ирландия, Финляндия, АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Канада, Сингапур ва Гонконг мамлакатлари жой олган.

«Siemens» иш ўринларини қисқартирмоқда

Германиянинг "Siemens" концерни 2010 йилгача дунё бўйича 17,2 минг нафар ходимини ишдан озод қилишга қарор қилди. Бу ҳақда "The Financial Times" газетаси хабар тарқатди.

Таҳлилчилар, "General Electric" (Америка) билан бўлаётган кучли рақобатда "Siemens"нинг мавқеига путур етаётгани ҳақида фикрларни билдиришмоқда. Шу боис корхона мутасаддилари ходимлар сафини қисқартириш тўғрисида бош қотиришмоқда. "Қора рўйхат"га тушганларнинг 6400 нафари айни пайтда "Siemens"нинг Германиядаги офисларида фаолият юритишмоқда.

Электротехника ва мобиль телефонлари ишлаб чиқарадиган "Siemens" концернига 1847 йилда асос солинган. Дунёнинг 190 та давлатида фаолият кўрсатаётган концерн филиалларида 430 минг нафар киши меҳнат қилмоқда.

Ҳиндистон ва Бразилия... пулдорларга бой

"The Wall Street Journal" бадавлат инсонлар кўп яшайдиган мамлакатлар рўйхатини эълон қилди.

Унга кўра, 2007 йилда дунё миллионерлари сафи Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой фуқоралари ҳисобига анча "бойиган".

Рақамларда келтирилишича, мазкур давлатларда 2007 йил мобайнида сармоядорлар сафи 19 фоизга ошган.

Вертолётлар тўқнашди

КРНО телеканалининг хабар беришича, Аризона штатининг Флэгстаф шаҳри осмонида иккита тиббий вертолёт тўқнашиб кетган.

Фожеа оқибатида етти киши ҳалок бўлган ва яна уч кишининг ҳаёти хавф остида. Вертолётлар "Air Methods" (Колорадо) корпорацияси ва "Classic Helicopters" (Юта) компаниясига тегишли бўлган.

Ҳалокатга сабаб бўлган омиллар ҳозирча ошкор этилмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Моддий-техника таъминоти бошқармаси

ўрта ва оғир классдаги ўт ўчирувчи автомобилларини етказиб бериш бўйича тендер савдосини эълон қилади.

Манзил:
100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча.
Ҳужжатлар 2008 йил 20 июль соат 17.00 гача қабул қилинади.
Телефонлар: (8-10-99871) 281-46-70, 255-75-12, 236-39-53.
Факс: (8-10-99871) 281-46-70, 236-39-53. E-mail: umtvs@uzpak.uz

ООО "CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM"
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHTS
ҚОЗОНЛАРИ
Ҳавфсиз автоматика билан таъминланган
МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди
маҳсулот сертификатланган
Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 259.
Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87, 314-59-87.
E-mail: chts.uz@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси Сенат Девонининг масъул ходими М. Қ. Исомовга турмуш ўртоғи

Евгения Ивановна ИСОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси меҳнат фахрийси, таниқли журналист, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Элбек МУСАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси ўқув бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди доцент Абдунайим Аблоқуловга онаси

МУКАРРАМА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси банк иши кафедраси катта ўқитувчиси Абдулазиз Темировга отаси

Алимжон ТЕМИРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт ● Sport ● Спорт

Умрни оқар сувга қиёслашади. Қаранг, кўз очиб юмгунча бир ойга яқин вақт ҳам ўтиб кетибди. 7 июнь куни Австрия ва Швейцария мамлакатларида бошланган футбол бўйича Европа чемпионати куни кеча ўз ғолибини аниқлади.

Испания 44 йилдан сўнг чемпион

Мусобақа арафасида Германия, Португалия, Голландия, Италия, Хорватия ёки бошқа юрт терма жамоаларини чемпион бўлади, деб тахмин қилганлар энди яна тўрт йил кутишга мажбурлар.

Финалда қитъанинг икки номдор — Германия ва Испания терма жамоалари майдонга тушди. Венадаги "Эрнст Хаппель" стадионидаги беллашувни телевидение орқали томоша қилган миллионлаб футбол ишқибозлари-ю мутахассислар Германия чемпион бўлади, деб башорат қилишаётган эди. Аммо, 33- дақиқада Фернандо Торрес томонидан киритилган ягона гол (1:0) испанлар учун қитъа чемпиони, деган шарафли номни қўлга киритишга кифоя қилди. Шундай қилиб, Испания терма жамоаси 44 йилдан сўнг иккинчи бор қитъа чемпионлигига эришди. Эслатиб ўтамиз, 1964 йилги Европа чемпионатида испанлар илк бор шоҳсупадан жой олишган эди.

Ўз-ўзидан кумуш медаль Германия, бронза медаллари Туркия ва Россия терма жамоаларига насиб этди. Испаниялик Давид Вилья (4 та) тўпурарлар баҳсида пешқадам бўлди.

Қитъа чемпионати Европада футбол жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини кўрсатди. Айниқса, бу борада Туркия ва Россия терма жамоалари иштирокидаги ўйинлар ишқибозлар меҳрини қозонди ва чемпионат кашфиёти бўлди, деб бемалол айтиш мумкин.

1997 йилда Мисрда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ғолиби, бразилиялик Фабио Пинто "Пахтакор" жамоаси сафига қўшилди.

"Пахтакор"да бразилиялик футболчи

1980 йилда туғилган Фабио Пинто "Оведо" (Испания), "Галатасарой" (Туркия), "Интернационал", "Гремио", "Сао", "Крузейро" (Бразилия) жамоалари сафида тўп сурган. Сўнгги вақтда яна бир Бразилия клуби "Куритиба" сафида ўйнаётган эди.

У ўз фаолияти даврида Бразилия терма жамоаси сафида ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони (1997 йил, Миср), шунингдек, "Галатасарой" таркибида Туркия кубоги соҳиби (2001-2002 йиллар) бўлган.

Рекорд янгиланди

Сайёрамизнинг энг кучли сув спорти усталаридан бири — америкалик спортчи Майкл Фелпс янги жаҳон рекордини ўрнатди, деб хабар беради AFP.

У яқинда Пекинда бўладиган Олимпиада ўйинлари саралаш баҳслари дастуридаги 400 метрга комплекс усулда сузишда 4 дақиқаю, 05,25 сония натижага эришиб, жаҳон рекордини янгилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Асосий учрашувлар олдидан

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жорий йилнинг 31 октябридан 14 ноябригача Саудия Арабистонида бўладиган Осиё чемпионатига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси навбатдаги ўқув-машғулот йиғинларини Эронда ўтказди. Бу ерда футболчиларимиз жисмоний машғулотлар, техник ва тактик тайёргарликдан ташқари ўйин амалиётини ошириш учун эронлик тенгқурлари билан иккита ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

Дастлабки баҳсда ўзбекистонлик футболчилар мезбонлар билан тенгма-тенг ўйнаган бўлса-да, пенальтидан киритилган ягона гол ҳамюртларимизнинг кичик ҳисобдаги мағлубиятига сабаб бўлган эди. Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари иккинчи ўртоқлик учрашувида ҳужумкор ўйин кўрсатди. Бу галги баҳс 1:1 ҳисобида якунланди.

Иккинчи учрашувда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси посбони Дониёр Усмоновнинг ишончли ўйини мухлису мутахассисларга манзур бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёш дарвозабонимиз ўйинда кўплаб зарбаларни бартараф этиш билан бирга, эронлик футболчининг ўн бир метрлик нуқтадан йўлланган зарбасини ҳам қайтарди.

Эслатиб ўтамиз, Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари Осиё чемпионатининг «D» гуруҳида Иордания, Австралия ва Таиланд терма жамоалари билан беллашади. Мазкур мусобақада ярим финалга йўлланма олган жамоалар келаси йили ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Ҳордиқдаги мусобақа

Хоразмда "Таътил — 2008" спорт мусобақалари бошланди.

Ўқувчиларнинг дам олишларини мароқли ўтказиш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақанинг биринчи – маҳалла босқичида 153 минг нафардан зиёд ўқувчи иштирок этаяпти. Янги ўқув йили бошлангунга қадар давом этадиган ва спортнинг 16 тури бўйича ўтказиладиган беллашувларда 183 минг нафар ўсмир қатнашади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт ● Sport ● Спорт

— Юртбошимизнинг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу жамғарма фаолиятини ташкил этиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги қарорлари мамлакатимиз, жумладан, Бухоро вилоятида оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими раиси М. Саъдуллаева.

ЖАМҒАРМАНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ

Жамғарма фаолиятига назар ташлар эканмиз, унинг гапларига ишонч ҳосил қилдик. Биргина 2007 йилда 145 та маҳалла ва 427 та қишлоқда оилаларнинг ижтимоий шароити, улардаги маънавий муҳит, оила аъзоларининг соғлиғи ўрганилди. Кўчма бригада томонидан 4065 та оиланинг тиббий-ижтимоий ҳолати таҳлил қилинди. Қарийб 20 минг нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари Кўкча, Оқитма, Жонгелди, Қизилравот сингари олис чўл зоналарида яшовчи оилалар ҳузурида ҳам бўлиб, уларга зарур ёрдам кўрсатдилар.

Жамғарманинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам яхши натижа бермоқда. Жумладан, болаларни соғломлаштириш дастури асосида Германиянинг «Фриденсдорф Интер-

Интилиш

нешнл» халқаро ташкилоти билан тузилган шартномага асосан, 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни хорижда нуфузли клиникаларда даволаш ишлари йўлга қўйилган. Айни пайтда беш нафар бола Германияда даволанмоқда.

Соғломлаштириш, «Балоғат даври», «Соғ тан — соғлом бола» сингари дастурлар бўйича ҳам эътиборга молик ишлар қилинаяпти.

— «Камалак жилоси» республика кўрик-танловида тасвирий санъат йўналишида биринчи ўринни қўлга киритдим, — дейди Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Намоз Ёдгоров. — Бунда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ҳам ҳиссаси бор. Негаки, жамғарма фаоллари масканимизда тез-тез бўлиб, турли кўрик-танловлар ўтказишади, бизни рағбатлантиришади.

Эндигина 11 ёшга қадам қўйган Намозжоннинг фикрлаши, дунёқараши кенглигида ён-атрофдаги муҳитнинг таъсири катта, албатта. Дарвоқе, жамғарма ташкил топганининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда бир гуруҳ истеъдодли болалар жамғарманинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Бу ҳам ёш авлодга эътиборнинг бир кўринишидир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бандлик

Жиззах политехника институтида бўлиб ўтган «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» битирувчи талабалар учун айни муддао бўлди.

Меҳнат ярмаркаси

Чунки уларнинг аксарияти кўплаб корхона, ташкилотлар билан шартномалар тузиб, келгусидаги иш манзилларини аниқлаб олдилар.

Меҳнат ярмаркасида «ЎзЭксайд» қўшма корхонаси, «Жиззах пластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, «Бону» ўқув маркази каби 63 та корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Шу куни 211 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Ғайратжон ҚОРАБЕКОВ.

СОМОН ҲАМ ОЗУҚА, ЕР ЭСА БЕБАҲО

Галла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан ўтмоқда. Мавсумга Президентимизнинг жорий йил 7 майдаги 2008 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўриб олишни ўтказиш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисидаги ва 13 майдаги 2008 йил бошоқли дон экинлари ҳосилидан бўшаган ерлар шудгорини ташкил этиш бўйича тадбирлар тўғрисидаги қарорлари талаблари асосида ҳозирлик кўрилгани туфайли хўжаликларда ишлар кўнгилдагидек бораётир.

Айтиш жоизки, ўрим-йиғим ишларида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси сингари қатор идора ва ташкилотларнинг мутахассислари фаол иштирок этаётгани деҳқону фермерларнинг мушкулини осон қилаётир. Сабаби, олиб борилаётган тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида сомонга ўт қўйиш ҳолларининг олди олинмоқда. Ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш тозаланиб, сомон чорва учун жамғариб қўйилмоқда. Бунда ажратилган олти мингдан зиёд сомон зичловчи, сомон йиғувчи, юкловчи техника

Эҳтиёт-шарт

ҳамда трактор ва тиркамалар, айниқса, қўл келаяпти.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, мавсумга касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, қишлоқ аҳолиси ва бошқа ташкилотлардан жами 15000 нафар киши жалб этилди. Бу иш суръати янада ошишини таъминлади. Уларнинг ёрдами билан бугунга қадар Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ҳосилдан бўшаган майдонларнинг қарийб 80 фоизидаги сомон йиғиштириб олингани бунинг яққол далилидир.

Ғалладан бўшаган ерларга ўт қўйишнинг олдини олишга эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Негаки, сомон ёниши оқибатида ерларнинг устки унумдор қатлами куйиб, тупроқ хусусиятларига жиддий зиён етади. Аланга оқибатида ҳар гектар майдондан атмосфера ҳавосига 500 грамм азот оксиди, 379 грамм углеводород, 3 килограмм кул, 20 килограмм ис гази ва углерод оксиди (CO_2) гази чиқиб, атроф-муҳит мусаффолигини булғайди. Энг ачинарлиси, майдонларда тупроқнинг кислород қабул қилиш, сув ўтказиш хусусияти пасайиб, унинг унумдорлигини ошириш жараёнида қатнашадиган организмлар нобуд бўлади. Бундан ташқари, пайкал атрофидаги дов-дарахтлар, электр ва телефон симёғочларига зиён етиши тайин. Мана, ножўя хатти-ҳаракатнинг оқибати.

Қонунчилигимизга кўра, табиатга бундай зарар етказган кимсалар жазосиз қолмайди, албатта. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддаси 3-бандига асосан, маъмурий иш қўзғатилиб, қонунбузарларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 3 баробаридан 5 баробаригача, мансабдор шахсларга 5 баробаридан 10 баробаригача миқдорда жарима қўлланилади. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан 2006 йилда 1647-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низомга мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларга сомон ёқилиши натижасида тупроқ унумдорлигига етказилган зарарни қоплаш учун даво қўлланилиши кўзда тутилган.

Афсуски, ўтган йили олиб борилган тушунтириш ишлари, огоҳлантиришларга қарамай, ғалладан бўшаган ерларга ўт қўйиш ҳоллари учради. Масалан, Касби туманидаги "Санжар" фермер хўжалигида етти гектар майдондаги сомон ёқиб юборилиши оқибатида тупроқ унумдорлигига 396580 сўм, Охунбобоев туманидаги "Дилшод — умид тонги" фермер хўжалигида эса 790,2 минг сўмлик зарар етказилган. Бундай қонунбузилиш ҳоллари Тошкент вилояти туманларида ҳам аниқланди. Улар бўйича жарима ва даъволар ҳисобланиб, айбдорлар зиммасига юкланди.

Ўйлаб қоласан киши. Сомон жамғариб қўйилса зарар қиладими? Асло. У чорва учун тўйимли озуқа-ку?!

Бир сўз билан айтганда, далага ўт қўйган киши нафақат атроф-муҳитга, она табиатга, балки ўз ҳамёнига ҳам зарар келтиради. Демак, сомонни ёндириб, заминни куйдирманг, пулингизни беҳудага совурманг. Аксинча, бундай ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Н. ШОКИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ер ва сув назорати бош бошқармасининг бош мутахассиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«O'z Dst 12-27: 2002 Почта конвертлари. Техник шартлари»

давлат стандартига жавоб бермайдиган конвертлардаги хатлар жўнатилмайди ва ишлов беришнинг биринчи босқичида «стандарт талабларига жавоб бермайди» белгиси билан жўнатувчига қайтарилади. Стандарт почта конвертлари «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча почта алоқаси корхоналарида сотилмоқда.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ маъмурияти.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6 7